

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ХУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА КВАЛИФИКАЦИЯСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17901261>

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: abdukhalilovkhojiakbar99@gmail.com

ORCID: 0000-0002-8479-7672

Аннотация

Ушбу мақолада оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси, мазмуни ва квалификацияси ҳамда бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқли жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд бўлган муаммолар таҳлил қилинган ва тегишли тартибда ҳал қилиш йўллари кўрсатилган. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили натижасида маъмурий жавобгарликни белгиловчи ва истисно қилувчи ҳолатларнинг бир-биридан фарқи ёритилган.

Калит сўзлар

оилавий (маиший) зўравонлик, енгил тан жароҳати етказиш, майда безорилик, бир рўзғор асосида яшовчи шахслар, ярашув, жиноий жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59²-моддасининг 1-қисмига асосан хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга **тўсқинлик қилиш**, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан **шикаст етказиш**, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини **тахқирлаш**, уларни **кўркитиш**, яқин қариндошларидан **ажратиш** **кўйиш** хатти-ҳаракатларини содир этиш оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлиги ҳисобланади.

Бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс бу — бир уйда яшаб, умумий рўзғорни юргизган, биргаликда пул ишлатиб, яшаш шароитини яратган шахслардир. Бу тушунча оиланинг аъзоларига, масалан, эр-хотин

ёки бошқа қариндош-уруғларнинг бирга яшашига нисбатан ишлатилади. Умумий фарзандга эга бўлган шахслар ҳам бир рўзгор асосида бирга яшаганликни билдиради.

Қўшимча маълумот: "Бир рўзгор асосида" деганда, умумий маблағни ишлатиш, умумий турмуш тарзини яшаш ва биргаликда барча уй-рўзгор харажатларини қоплаш тушунилади. Бу, айниқса, никоҳда бўлмаган, аммо умумий уй-рўзгорни юргизадиган шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Шаръий никоҳдагилар ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июнь кундаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" Қарорига асосан оилавий (маиший) зўравонликнинг қуйидаги турлари келтирилган:

Оилавий (маиший) зўравонлик деганда, оила аъзосининг бошқа оила аъзосига нисбатан унинг ҳуқуқларини, эркинликларини, қонуний манфаатларини бузадиган, жисмоний ва (ёки) руҳий азоб-уқубатларга олиб келадиган, унинг ҳуқуқларини чеклайдиган, баданга шикаст етказилишига сабаб бўладиган қасддан содир этиладиган жисмоний, руҳий, иқтисодий ёки жинсий характердаги хатти-ҳаракатни содир этилиши тушунилиши лозим.

Оилавий (маиший) жисмоний зўравонлик деганда, кундалик биргаликдаги ҳаёт (турмуш)да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлигига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Оилавий (маиший) руҳий зўравонлик деганда, кундалик биргаликдаги ҳаёт (турмуш)да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни шахсий, мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишни чеклаш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, мулкига шикаст етказиш, нобуд қилиш, ҳаёти ёхуд соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан кўркитиш тушунилиши лозим.

Оилавий (маиший) иқтисодий зўравонлик деганда, кундалик биргаликдаги ҳаёт (турмуш)да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишини чеклашга олиб келадиган, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказишга қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилиши лозим.

Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигининг объектив томонлари

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59²-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган объектив томонлар қуйидаги муқобил ҳаракатлардан иборат:

1. Мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга **тўсқинлик қилиш**. (Мисол: Эр хотинининг паспортини олиб қўяди ва унинг ишга ёки ўқишга бориш учун уйдан чиқишини тақиқлайди, бу билан таълим олишига тўсқинлик қилади);

2. Мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан **шикаст етказиш**. (Мисол: Турмуш (эр ёки хотин) ўртоғи жанжал пайтида хотинининг ишлаш учун зарур бўлган нарсалари (телефон ва бошқ.) ёки унга тегишли бўлган бошқа ҳужжатларини (паспорт), буюмларини қасддан синдиради ёки унинг шахсий нарсаларига зиён келтиради);

3. Соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини **таҳқирлаш**. (Мисол: Турмуш ўртоғи мунтазам равишда болалар ёки бегоналар олдида хотинини ҳақорат қилади, юзига тупуради, аёл баданига ҳаёсизларча тегинади, кийимини куч ишлатиб олиш кабилар киради);

4. Уларни **қўрқитиш**. (Мисол: Эр хотинига қўлида қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган буюм (пичоқ, болта)ни ушлаб, уни **ўз хоҳишига қарши ҳаракат** қилишга мажбур қилиб, уни калтаклаш ёки мол-мулкни йўқ қилиш билан қўрқитади);

5. Яқин қариндошларидан **ажратиб қўйиш**. (Мисол: Эр хотинига телефондан фойдаланишни ва ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари билан учрашишни тақиқлайди, шунингдек, уни уйга қамаб қўяди ва унинг ижтимоий алоқаларини бутунлай узиб қўяди).

Агар суднинг қонуний кучга кирган қарори бўлмаса, фарзандни она ёки отадан ўзбошимчалик билан ажратиб қўйиш ҳам оилавий маиший зўравонликка сабаб бўлади.

Ушбу хатти-ҳаракатлар башарти жиноят аломатлари, шунингдек МЖТКда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатларини келтириб чиқармаган бўлиши керак.

Ушбу модданинг 2-қисмида хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки болани, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсни **дўппослаш**, ушбу шахсларга соғлиқнинг қиска муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат

қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш назарда тутилган.

Дўппослаш деганда, жисмоний оғриқ келтириб чиқарадиган кўп марталик уришлар (шапалок) ва бошқа жисмоний зўравонлик ҳаракатлари давомида, танада кўзга кўринадиган қизаришлар, енгил тирналишлар, аммо **енгил тан жароҳатига** олиб келмайдиган ҳаракатлар тушунилиши керак. *(Мисол: Эркак киши жанжал пайтида хотинининг юз ва танасига қўли билан бир неча марта уриб, оғриқ етказади. Суд тиббий экспертиза фақат изларни қайд этади, лекин аниқ шикастланишлар ёки енгил тан жароҳати етказилганлиги ҳолатини аниқламайди).*

Агар эр хотинини **дўппослаган** бўлса-ю, суд тиббий экспертиза ўз хулосасида енгил тан жароҳат ҳолатини қайд этмаса, унда ушбу ҳолатни ушбу модданинг **иккинчи** қисми бўйича малакалаш мақсадга мувофиқ.

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш деганда етказилган шикастлари унча аҳамиятли бўлмаган, олти кундан ортиқ муддатга чўзилмаган, тез ўтиб кетадиган шикастлар тааллуқлидир (лат ейиш, тирналиш, шилиниш, унча катта бўлмаган ғурра ва ҳоказолар).

Оилавий (маиший) зўравонликни тан жароҳати етказишдан фарқи

Бугунги кунда оилавий муносабатларни қонунчилик нормалари билан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, оилавий (маиший) зўравонликни тан жароҳати етказишдан фарқлаш маъмурий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш жараёнларида муҳим рол ўйнайди.

Амалдаги МЖТКнинг 59²-моддаси 2-қисмида “Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки болани, шунингдек умумий фарзандга эга бўлган шахсни **дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш** назарда тутилган.

Дўппослаш деганда, жисмоний оғриқ келтириб чиқарадиган кўп марталик уришлар (шапалок) ва бошқа жисмоний зўравонлик ҳаракатлари давомида, танада кўзга кўринадиган қизаришлар, енгил тирналишлар аммо **енгил тан жароҳатига** олиб келмайдиган ҳаракатлар тушунилиши керак. *(Мисол: Эркак киши жанжал пайтида хотинининг юз ва танасига қўли билан бир неча марта уриб, оғриқ етказади. Суд тиббий экспертиза фақат изларни қайд*

этади, лекин аниқ шикастланишлар ёки енгил тан жароҳати етказилганлиги ҳолатини аниқламайди).

Агар эр хотинини **дўппослаган** бўлса-ю, суд тиббий экспертиза ўз хулосасида енгил тан жароҳат ҳолатини қайд этмаса, унда ушбу ҳолатни ушбу модданинг **иккинчи** қисми бўйича малакалаш мақсадга мувофиқ.

Агарда эр ва хотин ўртасида келиб чиққан келишмовчилик жамоат жойида бақир-чақирларга сабаб бўлиб, айрим фуқароларнинг тўхтатиши ёки ажратишига қарамасдан баланд овозда бир-бирларининг кадр-қимматини камситадиган сўзлар айтиб, оилавий муносабатлар асосида жанжал қилиши (бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келмаган ҳолда) МЖТКнинг

59¹-моддасининг 1-қисми бўйича малакалаш тўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27 июнь 2007 йилда қабул қилинган “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорида баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга *йўқолишига сабаб бўлмаган* даражада енгил шикаст етказганлик учун *маъмурий жавобгарлик* белгиланганлиги назарда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, эр ва хотин ўртасида соғлиғига қарши қаратилган тажовуз, агар у жинойт аломатларини ўзида акс эттирмаса, у ҳолда 59²-моддаси бўйича малакаланади. Бунда қилинаётган тажовузнинг каерда содир этилаётганлиги факультатив белги ҳисобланади.

Оилавий (маиший) зўравонликни ярашув асосида тугатиш мумкинми?

Ярашув ишлари бўйича қонунчилик такомиллаштирилиши натижасида амалдаги МЖТКнинг 21²-моддасига асосан, 15 га яқин маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тизими яратилган.

Шунга қарамай бугунги кунда оилавий (маиший) зўравонликни ярашув асосида тугатиш ҳолатлари учраб турибди. Шу сабабли, оилавий (маиший) зўравонликни ярашув асосида тугатиш бўйича изланишлар ўтказиш зарурати келиб чиқмоқда.

Савол:

Агарда эри хотинига тан жароҳати етказиб уни ҳақорат қилган бўлса-ю, лекин хотини эрим билан ярашиб олдим ва у билан бирга яшайман деб, 102 тизими орқали берган аризасини инобатга олмасликларини билдирган бўлса,

у ҳолда иш юритув қандай тартибда амалга оширилиши керак? Ушбу ҳолатни ярашув асосида тугатиш мумкинми?

Жавоб:

Амалдаги МЖТКнинг 21²-моддаси (Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш) да 59² оилавий (маиший) зўравонлик ярашувга тушмаслиги сабабли, ушбу ҳуқуқбузарликни ярашув асосида тугатиб бўлмайди.

Шунга қарамай, тўпланган ҳужжатлар тегишлилиги бўйича жиноят ишлари бўйича судга тақдим этилганда судьялар томонидан ишни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, суд мажлисида томонларни тинглаб, ҳуқуқбузарга (эрига) нисбатан ўз ваколати доирасида санкцияда белгиланган миқдордаги жаримадан ҳам камроғини қўллаши ёки огоҳлантириш каби жазолар тайинлаши мумкин. Яъни суриштирув давомида эришилмаган ярашувга рамзий равишда судда эришилади.

Фақат ишни кўриб чиқаётган профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузар истикомат қилувчи МФЙ раисидан шахсни ижобий ёки салбий жиҳатдан тавсифловчи маълумотнома олиш лозим бўлади.

Аксарият ҳолатларда эр ва хотин ўртасида бўлган келишмовчиликлар ва тортишувлар томонларнинг тинчланиши, маҳалла еттилигининг аралашуви натижасида ўзаро вақтинчалик ярашувига сабаб бўлади.

Аммо “102” тизимига келиб тушган ва базадан рўйхатдан ўтказилган аёлнинг мурожаати юзасидан қонуний қарор қабул қилиш лозим бўлади.

Шундай ҳолатларда оилавий (маиший) зўравонликни ярашув асосида тугатиб бўлмаганлиги сабабли, томонларнинг хатти-ҳаракатларини майда безорилик сифатида расмийлаштириб, иш суд тартибида кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Оилавий (маиший) зўравонликни майда безориликдан фарқи

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этилиш жойи унинг квалификациясига таъсир ўтказмай қолмайди.

Хусусан, жамоат жойларида фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузиш хатти-ҳаракатлари майда безориликка сабаб бўлса, ушбу муносабатлар агарда оилавий (маиший) муносабатлар кесимида содир бўлган тақдирда майда безорилик бўйича квалификация қилиш нотўғри ҳисобланади.

Шу сабабли, оилавий (маиший) зўравонликни майда безориликдан фарқини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Агар эр кўча жамоат жойида туриб, хотини билан уришиб, уни ҳақорат қилиб, унинг қўлларидан тутиб силтаб, унга зарар етказилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни содир қилиши - учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келмаган бўлса, унда бу ҳолатни оилавий (маиший) зўравонлик сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Нима учун жамоат жойида оилавий муносабатлар асосида яшаётган эр-хотин томонидан жамоат жойида қилинган бақир-чақир ва сўқиниш ҳолатларини майда безорилик сифатида баҳолаб бўлмайди?

Чунки, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозим. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган тажовуз деб баҳоланиши лозим.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.06.2002 йилдаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 9-сон қарори,

Чунонки, ушбу хатти-ҳаракатлар учинчи шахсларнинг аралашуви натижасида жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталигини бузилишига олиб келиб, учинчи шахс томонидан “102” қисқа рақамли алоқа тизимида унинг тинчлиги бузилаётганлиги маълум қилинганда, ушбу ҳолатни оилавий (маиший) зўравонлик эмас, балки майда безорилик (183-м) сифатида баҳолаш тўғри бўлар эди.

Мисол учун кўп қаватли биноларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг оилавий муносабатлари ёмонлашуви натижасида соат 23:00 дан кейин юзага келган бақир-чақир ва тўполок кўни кўшнилариининг тинчи ва осойишталигини бузишига олиб келса, бу ҳолатни 59²-моддаси бўйича квалификация қилиш керакми ёки 192-модда (*Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш*) бўйичами?

Албатта, бунда қонун нормаларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Яъни амалдаги МЖТКнинг 192-моддасида тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшикларида шовқин чиқарувчи ишлар қилиш ва бошқа ҳаракатлар белгиланган бўлиб, эр ва хотин ўртасида вужудга келган вазият юзасидан ушбу модда бўйича квалификация қилиш нотўғри ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни квалификация қилишда **сабабий боғлиқлик** муҳим аҳамиятга эга, айниқса зарар етказилиши таркибнинг зарурий белгиси ҳисобланган ҳолларда.

Шундай ҳолатни майда безорилик бўйича квалификация қилиш учун жамоат жойи бўлиши шартми?

Ушбу ҳолатда уй ичи жамоат жойи сифатида эътироф этилмаса-да, бошқа фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаракатлар қасддан бошқаларни менсимаслик натижасида содир этилиши майда безориликка сабаб бўлиши мумкин.

Фақат ушбу турдаги хатти-ҳаракатлар бошқа фуқароларнинг бир ёки бир неча бор оғоҳлантирилишидан кейин ҳам давом эттирилган бўлиши керак.

Ҳимоя ордери берилган шахс томонидан оилавий (маиший) зўравонлик содир этилиши

Қонунчилиқни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2-сентябрь куни қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон Қонуни қабул қилинди.

Шу муносабат билан амалдаги МЖтКга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2020 йил 5-октябрдаги ЎРҚ-640-сонли Қонуни билан МЖтКга тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун 206¹-моддаси киритилди.

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир маротаба оилавий (маиший) зўравонлик қурбони бўлган жабрланувчи аёлларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида зўравонлик содир этган шахсга нисбатан ҳимоя ордери берилиши кузатилмоқда.

Ҳимоя ордери берилган шахсга нисбатан суд томонидан тазйиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш каби айрим турдаги чекловлар белгиланди.

Агарда ҳимоя ордери берилган шахс томонидан тазйиқ ва зўравонлик қайта содир этилган тақдирда ишни кўриб чиқувчи орган томонидан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилиб, иш тегишли тартибда жиноят ишлари бўйича судда кўриб чиқилади.

Шундан сўнг ҳам, бир йил ичида МЖтКнинг 206¹-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиб, суд томонидан берилган жазони ўтагандан сўнг ҳам ҳимоя ордери берилган шахс тузалиш йўлига ўтмай тазйиқ ва зўравонлик хатти-ҳаракатларини такрор содир этган тақдирда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддаси тартибида иш ҳужжатлари юритилади.

Бунда ҳимоя ордери берилган шахс томонидан оилавий (маиший) зўравонлик содир этилиши куйидаги жадвалга асосан амалга оширилади:

Оилавий (маиший) зўравонлик содир этган шахс	Ҳимоя ордери берилган шахс томонидан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши	Бир йил ичида такроран оилавий (маиший) зўравонлик содир этган шахс
МЖтКнинг 59 ² -моддаси бўйича	МЖтКнинг 206 ¹ -моддаси бўйича	ЖКнинг 126 ¹ -моддаси бўйича

Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлиги шахсга қарши қаратилган умумий ҳуқуқбузарликлардан фарқланадиган махсус таркибга эга. Унинг асосий элементи ўзига хос субъектив алоқа ҳисобланади - зўравонлик никоҳ, қариндошлик ёки умумий маиший муносабатлар билан боғланган шахслар ўртасида содир этилади. Ҳуқуқбузарликнинг мазмуни калтаклашнинг анъанавий тушунчасидан кенгрок бўлиб, зўравонликсиз, аммо мажбурий ҳаракатларни ҳам қамраб олади.

Малакаси: Ушбу ҳуқуқбузарликни малакали баҳолашда қилмишнинг содир этилиш ҳолати ва субъекти албатта инобатга олиниши лозим. У оилавий мақом мажбурий бўлмаган майда безорилик (МЖтКнинг 183-моддаси) ёки қасддан баданга енгил шикаст етказиш (МЖтКнинг 52-моддаси) каби умумий таркиблардан аниқ чегараланиши керак. Ушбу таркибни ажратиб кўрсатадиган асосий малака воситаси ва ҳуқуқий оқибат ҳимоя ордери ҳисобланади. Бу ордер зудлик билан қўлланиладиган маъмурий-ҳуқуқий чеклаш чораси сифатида амал қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.

4. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш давлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – С. 133-139.

5. Abduxalilov H. D., Xusanova M. M. Voyaga yetmagan jinoyatchining shaxsi //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 146-148.

6. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

7. Nasilloev A. The absence of civil conflicts-a priority direction in the activities of internal affairs bodies in ensuring the rule of law //American journal of education and learning. – 2025. – Т. 3. – №. 9. – С. 770-776.

8. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ўқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.

9. Abduxalilov X. et al. Profilaktika inspektorining qo ‘shmachilik qilish va fohishaxona saqlash bilan bog ‘liq jinoyatlar bo ‘yicha tezkor qidiruv bilan hamkorligini takomillashtirish //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 78-84.

10. Насиллоев А. Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва хабардор қилиш тартибидаги назорат ваколатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари //Наука и инновatsия. – 2024. – Т. 2. – №. 38. – С. 23-25.

11. Ўғли А. Х. Д., Усмонов А. Р. Ў. Сув тошқинлари пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 299-307.

12. Абдухалилов Х. Д. Ў., Валиев Б. Б. Ў. Босқинчилик жиноятларини профилактика қилишнинг долзарб масалалари //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-119.

13. Abduxalilov H. D., Mustafoyev S. S. Huquqbuzarliklarning yakka tartibdagi profilaktikasi tushunchasiga oid nazariy taxlil //Central Asian Journal

of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 33-37.

14. Abduxalilov X., Ernazarov A. Implementation of preventive measures by prevention inspector for minors returning from penal institutions // Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 93-96.

15. Abduxalilov X., Ismoilov I. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklarning viktimologik profilaktikasini tashkil etishda mahalla yettiligi bilan o'zaro hakmorligini takomillashtirish //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 57-61.